«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
84-сонли БАЁНИдан
КЎЧИРМА

Умумий йиғилиш Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4 уйда видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун акциядорлар иштирок этдилар.

Йиғилиш ўтказилган сана:	2022 йил 29 декабрь
Рўйхатга олиш бошланган вақт:	соат 14.00
Рўйхатга олиш тугаган вақт:	соат 14.40
Йиғилиш ёпилган вақт:	соат 15.50
Баён тузилган сана:	2023 йил 9 январь

ЎзРВБ акциядорларининг жами овозлари сони – 1 069 600 та овоз.
Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	- 536200;
«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки	- 119000;
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	- 119000;
«Агробанк» акциядорлик тижорат банки	- 95200;
«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки	- 95200;
«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки	- 61600;
Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки	- 43400.

Йиғилишда қатнашган акциядорлар 1 069 600 та овозга эга бўлиб, бу жами овозлар сонининг 100 фоизини ташкил этади.

Қатнашдилар:

1. Усманов Рашид Рустамович	ЎзРВБ Бош директори;
2. Худойбердиев Жамшид Бозорович	ЎзРВБ Юридик хизмати бошлиғи;
3. Джураев Одил Хуснитдинович	ЎзРВБ корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. ЎзРВБ саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. ЎзРВБнинг 2021 йил якунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.
4. ЎзРВБнинг 2022 йил тўққиз ойи натижаларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.

ЎзРВБ акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари асосида ЎзРВБ акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қуйидаги қарори қабул қилинди:

1. ЎзРВБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши "ЎзРВБ" АЖ акциядорларининг умумий йиғилишларида ва кузатув кенгаши йиғилишларида видеоконференц-алоқа режимида иштирок этиш тўғрисида"ги Регламентга мувофиқ видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилсин ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини олиб бориш, масалаларни кўриб чиқиш тартиби қуйидагича тасдиқлансин:

- маърузачиларга асосий масалалар бўйича чиқиш учун ажратилган вақт - 10 дақиқагача;
- қўшимча фикр билдиришлар ва тортишувлар учун ажратилган вақт - 5 дақиқагача;
- савол ва жавоблар учун ажратилган вақт - 5 дақиқагача.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

2. ЎзРВБ саноқ комиссияси 3 кишидан иборат қуйидаги таркибда тасдиқлансин:
Худойбердиев Ж.Б. - ЎзРВБ юридик хизмати бошлиғи;
Умурзаков О.Э. - ЎзРВБ юридик хизмати бош юрисконсульти;
Джураев О.Ҳ. - ЎзРВБ корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

3. ЎзРВБнинг 2021 йил якунларига кўра соф фойдаси ва 2022 йил тўққиз ойи натижаларига кўра соф фойдасини тақсимлаш масалалари:

1) 2021 йил якунларига кўра ЎзРВБнинг (МҲХС бўйича) жами ***44 981 505 944,93 сўм*** соф фойдасидан **7 981 505 944,93 сўм** (17,74 фоиз) миқдордаги пул маблағлари (83-сонли баён, 30.06.2022 йил) акциядорлар ўртасида дивиденд сифатида тақсимланганини инобатга олган ҳолда, 2021 йил якунларига кўра соф фойдадан қўшимча равишда **25 754 623 513,77** сўм (57,26 фоиз) пул маблағлари акциядорлар ўртасида мутаносиб равишда дивиденд сифатида тақсимлансин (иловага мувофиқ).

2) ЎзРВБнинг 2021 йил якунларига кўра соф фойдасидан давлат улушига (Марказий банкка) тегишли қисми бўйича ҳисобланган дивиденд суммаси, яъни **12 911 021 997,09 сўм** давлат бюджетига тўлаб берилиши таъминлансин.

*Бунда, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси томонидан давлат улушига ҳисобланиши мумкин бўлган дивиденд суммаси ҳисобидан давлат бюджетига ўтказиш учун ЎзРВБ ҳисоб рақамидан **11 372 430 545,55 сўм** миқдоридаги пул маблағлари (5 фоиз солиқни ҳисобга олмаган ҳолда) ечиб олинганлиги ва давлат улушига (Марказий банкка) ҳисобланиши мумкин бўлган дивиденд суммаси ҳисобидан жами **15 373 630 515,33 сўм** (4 001 199 969,78 сўм акциядорлар умумий йиғилишининг 2022 йил 29 июндаги қарори (83-сонли баён) билан) давлат бюджетига йўналтирилганлиги маълумот учун қабул*

қилинсин.

3) ЎзРВБнинг 2021 йил якунларига кўра соф фойдасидан дивидендга йўналтирилган қисми (75 фоиз)дан қолган пул маблағлари, яъни **11 245 376 486,23 сўм** (25 фоиз) тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида **кафолат фондига йўналтириш** учун ЎзРВБ ихтиёрида қолдирилсин.

4) 2021 йил 30 декабрдаги ЎзРВБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори (82-сонли баён)нинг *"2021 йил тўққиз ойи натижаларига кўра ЎзРВБнинг (МҲХС бўйича) соф фойдасидан **37 млрд. сўм** пул маблағлари тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шакллантириладиган кафолат фондига йўналтириш учун ЎзРВБ ихтиёрида қолдирилсин*" деган **3-банди** бекор қилинсин.

5) **2022 йил тўққиз ойи натижаларига** кўра ЎзРВБнинг (МҲХС бўйича) соф фойдасидан **25 754 623 513,77** сўм пул маблағлари тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шакллантириладиган кафолат фондига йўналтириш учун ЎзРВБ ихтиёрида қолдирилсин.

6) *Дивидендларни тўлаш шакли* – акциядорларнинг ҳисобрақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли билан.

Дивидендларни тўлаш бошланадиган сана - 2022 йил 29 декабрь.

Дивидендларни тўлаш тугайдиган сана - 2023 йил 30 январь.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Йиғилиш раиси: ***имзо*** **Б.Ю. Абубакиров.**

Йиғилиш котиби: ***имзо*** **Ж.Б. Худойбердиев.**

Аслига кўра тўғри:

Бош директор **Р.Р. Усманов**